

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.F.01.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

РАХМАТОВА МЕХРИНОЗ МАЖИТОВНА

**ЁШЛАР МАЪНАВИЙ САЛОҲИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШДА
СИЁСИЙ ИНСТИТУТЛАРНИНГ ЎРНИ
(ижтимоий-фалсафий таҳлил)**

09.00.04 – Ижтимоий фалсафа

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD) по философским наукам**

**Contents of Dissertation Abstract
of the Doctor of Philosophy (PhD) on Philosophical Sciences**

Рахматова Мехриноз Мажитовна

Ёшлар маънавий салоҳиятини юксалтиришда сиёсий институтларнинг ўрни
(ижтимоий-фалсафий таҳлил).....3

Рахматова Мехриноз Мажитовна

Роль политических институтов в повышении духовного потенциала молодежи
(социально-философский анализ).....22

Rakhmatova Mekhrinoz Majitovna

The role of political institutions in increasing the spiritual potential of youth (socio-
philosophical analysis).....40

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....45

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.F.01.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

РАХМАТОВА МЕХРИНОЗ МАЖИТОВНА

**ЁШЛАР МАЪНАВИЙ САЛОҲИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШДА
СИЁСИЙ ИНСТИТУТЛАРНИНГ ЎРНИ
(ижтимоий-фалсафий таҳлил)**

09.00.04 – Ижтимоий фалсафа

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.1.PhD/Fal145 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат университетидида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Ўзбекистон Миллий университети веб-саҳифасида (www.uzmu.uz) ва «ZiyoNet» ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Мухаммадиева Ойниса Мустафакуловна,
фалсафа фанлари номзоди, доцент

Расмий оппонентлар: Агзамходжаева Саида Сабитхановна,
фалсафа фанлари доктори, профессор

Суванов Илҳом Абдихалилович,
фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Етакчи ташкилот: Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика
университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.F.01.05 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил 31 март соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 1000174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Ўзбекистон Миллий университети Ижтимоий фанлар факультети биноси, 5-қават, 511-хона. Тел.: (99871) 246-02-24. факс: (99871) 246-02-24, e-mail: pauka@nuu.uz. Ўзбекистон Миллий университети Ижтимоий фанлар факультети биноси, 5-қават, 511-хона).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 28 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 1000174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (99871) 246-02-24; факс: (99871) 246-02-24).

Диссертация автореферати 2022 йил 19 март куни тарқатилди.
(2022 йил 19 мартдаги 7 рақамли реестр баённомаси).



И.С.Саифназаров,
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, фалсафа фанлари доктори, профессор

Г.М.Рузматова,
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби в.б., фалсафа фанлари доктори, профессор

О.Дж.Нишанова,
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси, фалсафа фанлари доктори, доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзуининг долзарблиги ва зарурати. Дунё микёсида ривожланган давлатлар тажрибаси жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий такомилли кўп жиҳатдан шу мамлакатда маънавият ва маърифатга қай даражада эътибор берилганлиги билан узвий боғлиқ эканлигини кўрсатмоқда. Хусусан, ҳозирги дунё тобора глобаллашиб бораётган бир шароитда, аксарият жаҳоннинг ривожланган мамлакатларида иқтисодий ва ижтимоий соҳа юксак даражада ривожлангани ҳолда маънавий-маърифий соҳа нисбатан орқада қолмоқда. Бу каби салбий жараён ва ҳолатларнинг бўлишига йўл қўймаслик умумбашарият микёсида муҳим аҳамият касб этувчи муаммолардан биридир.

Ёшлар муаммолари билан шуғулланувчи дунёнинг етакчи илғор илмий тадқиқот марказларида сиёсий институтлар, уларнинг ўзига хос хусусиятларини тадқиқ қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Ғарбий Европа, Шимолий Америка, Япония, Жанубий Корея каби мамлакатларда сиёсий институтларни эркинлаштириш ислоҳотлари натижалари, турли сиёсий тизимлардаги сиёсий институтларни қиёсий таҳлил қилиш, замонавий сиёсий институтлар ва жараёнларни элитаристик ва олигархик изоҳлаш, сиёсий институтларни ўрганишда гуруҳий ёндашувлар, институционал доирани кенгайтирувчи ва тўлдирувчи синфий ёндашувлар шулар жумласидандир. Сўнгги йиллардаги амалий тажриба шуни кўрсатмоқдаки, бугунги кунда дунёда сиёсий институтларнинг фаолият доираси тобора кенгайиб бормоқда. Бу борада сиёсий институтларнинг ёшлар тарбиясига кўрсатаётган таъсирини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Шу маънода сиёсий институтларни ёшлар маънавий салоҳиятини юксалтириш субъекти сифатида ўрганиш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистонда сўнгги йилларда ёшлар маънавий салоҳиятини ошириш масалаларига эътибор янада кучайди. Хусусан, «ёшларда ҳаётга бўлган қатъий ишонч ва қарашларни шакллантиришда, уларни қонунларга, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида, зарарли таъсирлар ва оқимларга қарши тура оладиган қилиб тарбиялашда»¹, ўсиб келаётган ёш авлоднинг маънавий-маърифий ва интеллектуал салоҳиятини оширишда бугун республикамизда фаолият юритаётган ўн мингдан зиёд нодавлат нотижорат ташкилотлари муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу борада Ёшлар ишлари агентлиги, муассаса шаклидаги «Ўзбекистон ёшлари умумжаҳон ассоциацияси», Ўзбекистон Республикаси Истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш «Улуғбек» жамғармаси, «Республика ёш олимлар кенгаши», ёш педагоглар ассоциацияси, катта ёшдагилар ва ёшларни баркамол ривожлантириш ассоциацияси, «Буюк келажак» халқаро нодавлат нотижорат ташкилоти каби жамоат бирлашмалари ва уюшмаларининг ўрни салмоқли эканлигини қайд этиб ўтиш ўринли.

¹ Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 37-сон, 426-модда; 2017 й., 24-сон, 487-модда.

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 14 сентябрдаги ЎРҚ 406-сон «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2018 йил 27 июндаги ПФ-5466-сон «Ёшлар – келажакимиз» давлат дастури тўғрисидаги, 2020 йил 30 июндаги ПФ-6017-сон «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини тубдан ислоҳ қилиш ва янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2020 йил 18 февралдаги ПҚ-4602-сон «Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги, 2020 йил 30 июндаги ПҚ-4768-сон «Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги, Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 18 январдаги 23-сон «Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини 2025 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорлари ва соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришга ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида ишлаб чиқилган Ҳаракатлар стратегияси ҳамда ижтимоий-маънавий соҳага оид барча маъруза ва нутқлари (асарлари)да² ўз ифодасини топган таълим-тарбия, маънавият, сиёсий институтлар масалаларига оид кўрсатмалар, Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг мавзуга оид асарлари³ мазкур тадқиқотга илмий-методологик асос бўлиб хизмат қилди.

Сиёсий институтлар, уларнинг ёш авлод маънавий тарбиясидаги аҳамиятини ўзига хос тарзда тадқиқ этиш билан боғлиқ дастлабки хулосалар Шарқнинг буюк мутафаккирлари Конфуций, Абу Наср Форобий, Абу Али Ҳасан ибн Али Тусий Низомулмулк, Абу Али ибн Сино, Ибн Холдун, Абу Райҳон Беруний, Бурхониддин Марғиноний, Алишер Навоий, Ҳусайн Воиз Кошифий ва бошқаларнинг бебаҳо маънавий-маърифий меросида ўз ифодасини топган.

Хусусан, Ҳусайн Воиз Кошифийнинг «Ахлоқий Мухсиний», «Анвори Сухайлий», «Футувватномаи Султоний» каби асарларида жамият ва давлат бошқарувида, ёш авлодни маънавий-ахлоқий тамойиллар асосида

² Мирзиёев Ш. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга қўтарамиз. 1-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. –Б.592; Мирзиёев Ш. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2018. –Б.508; Мирзиёев Ш. Нияти улуг халқнинг иши ҳам улуг, ҳаёти ёруғ ва келажак фаровон бўлади. 3-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2019. –Б.400.

³ Каримов И. Юсак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. –Б.176.

тарбиялашда сиёсат ва сиёсий тузилмаларнинг ўрни борасидаги масалалар ўзига хос тарзда тадқиқ этилган.

Шунингдек, давлат ва унинг маҳкамалари, яъни институтларини халқчиллаштириш, улар фаолиятида ёш авлод маънавий тарбиясига эътибор қаратиш масаласи устувор бўлиши лозимлигига доир бебаҳо маънавий-маърифий мерос Бурхониддин Марғинонийнинг «Ҳидоя», Соҳибқирон Амир Темурнинг «Темур тузуклари», Алишер Навоийнинг «Садди Искандарий», «Ҳайрат ул-аброр» каби машҳур асарларида ўз ифодасини топган⁴.

Сиёсий институтлар, уларнинг ёш авлод маънавий тарбиясига ижобий таъсирини илмий таҳлил этишга доир жаҳон тажрибасига назар солсак, Д.Истон, Жон Стюарт Милль, К.Дойч, К.Плоккер, Э.Дюркгейм, Фридрих фон Хайек, Алексис де Токвиль, С.Хантингтон, Р.Даль, Г.Лассуэл, Г.Холлис, Т.Парсонс, Бенжамен Констан, Р.Арон, Вильгельм фон Гумбольдт, Г.Алмонд каби олимларнинг бу борада илмий-амалий аҳамиятга молик бўлган мерос қолдирганлигининг гувоҳи бўламиз⁵.

Шунингдек, янги зеландиялик Д.Л.Отт ёшлар маънавий салоҳиятини юксалтиришда халқаро тажриба ва маданий интеллект муҳим ўрин тутишини алоҳида қайд этган бўлса, америкалик олимлар Г.Т.Ричард, С.С.Дункел, Н.А.Мурфи, А.Гатман, Ж.В.Давид ва бошқалар ўз тадқиқотларида эрта болаликдан балоғат ёшигача интеллектуал қобилиятни ривожлантириб бориш, мавжуд муаммоларни ҳал этишда турли ёшлар ташкилотларининг ўрни каби масалаларга оид илмий-назарий қарашларини илгари суришган. Россия Федерациясида Э.Ш.Рахматуллина, Е.В.Динейкина, А.Н.Тесленко, О.А.Коряковцева, Е.А.Койшина ўз ҳудуди доирасида ёшлар маънавияти, жамият ўзгариши шароитида шахснинг маънавий-ахлоқий шаклланиши, ўтиш даврида ёшларни ижтимоийлаштириш, ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, ёшларга оид давлат сиёсатининг ижтимоий таҳлили муаммоларини тадқиқ қилганлар. Шу билан бирга, З.В.Макатов глобаллашув жараёнларининг маънавий асослари, А.Б.Жбанков жамиятнинг маънавий ривожланиши миллий хавфсизлик омили сифатида, Н.А.Қаратеева талаба-ёшларни ижтимоийлаштиришнинг маънавий асослари мавзулари доирасида илмий тадқиқот ишлари олиб борганлар.

Республикаимиз олимлари томонидан мустақиллик йилларида олиб борилган тадқиқотларда жамият маънавий салоҳиятини юксалтириш, ёшлар масаласига соҳавий ёндашув каби бир қатор масалалар таҳлилига алоҳида эътибор қаратилган. Шу нуқтаи назардан қараганда, муаллиф томонидан

⁴ Кобзев А.И. Конфуция. Новая философская энциклопедия: в 4 т. пред. науч.-ред. Совета В. С.Стёпин. – 2-е изд., испр. и доп. – М.: Мысль, 2010; Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2018; Амир Темур. Темур тузуклари. – Тошкент: Ёшлар нашриёт уйи, 2018; Алишер Навоий. Садди Искандарий. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2009 ва б.

⁵ Милль. О свободе. В кн: антология мировой политической мысли. В 5 т.Е.1. Зарубежная политическая мысль: истоки и эволюция. – М.: Мысль, 1987; Парсонс Т. Понятие общества: компоненты и их взаимоотношения. Thesis, 1993. Т-1. Выщ.2; Гоббс Т. Левиафан или материя, форма и власть государства церковного и гражданского. В кн. Антология мировой политической мысли. В.5 т. Е.1; Huntington S. Political Order in Changing Societies. New Haven – London., 1968; Зарубежная политическая мысль: истоки и эволюция. – М.: Мысль, 1987; Локк Дж. Сочинения в 3-ч т. Т.3. – М., 1988.

мазкур йўналиш бўйича тадқиқотлар моҳиятидан келиб чиқиб, улар қуйидаги илмий категорияларга ажратилди.

Биринчи категория: Г.Ж.Туленова, М.М.Тешабоев, И.А.Суванов, Д.К.Жуманиёзова, О.Х.Базаров, Ф.Х.Юлдашева, С.А.Саидова, М.Т.Парпиев, Т.И.Исмоилов, А.Ш.Обидовлар томонидан маънавий, шахс маънавияти, ёшлар маънавий салоҳияти фалсафанинг тадқиқот объекти сифатида ўрганилган⁶.

Иккинчи категория: ёшлар масалаларининг сиёсий ҳамда ҳуқуқий жиҳатдан таҳлили Б.Х.Жўраев, Д.Д.Бўронова, О.Т.Насириддинова, Э.О.Кадиров, А.Ҳ.Холмахматовлар томонидан ўрганилган⁷.

Учинчи категория: К.Д.Рискулова, Н.С.Расулова, О.Р.Топилдиев, Ж.Д.Маткаримова, Ш.Н.Тайлақовалар⁸ ёшлар масалаларининг педагогик ҳамда тарихий асосларини ўз илмий тадқиқотларида очиб беришган.

⁶ Туленова Г.Ж. Ёшлар ижтимоий фаоллигини оширишда маънавий омилнинг роли: Фалс. фан. ном. ... дис. – Тошкент: Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, 2006. –Б.317; Тешабоев М.М. Ўзбекистонда ёшларнинг ахлоқий маданиятини юксалтиришнинг фалсафий концептуал таҳлили: Фалс. фан. бўй. фалс. док. (PhD) ... дис. – Тошкент: Тошкент давлат иқтисодиёт университети, 2018. –Б.130; Суванов И.А. Шахс маънавиятини юксалтиришда миллий ғоя ва ўзликни англаш диалектикаси: Фалс. фан. бўй. фалс. док. (PhD) ... дис. автореф. – Тошкент: Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, 2018; Жуманиёзова Д.К. Шахс маънавиятини шаклланишида инсонийлик ва илоҳийлик уйғунлиги: Фалс. фан. бўй. фалс. док. (PhD) ... дис. – Тошкент: Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, 2019. –Б.126; Базаров О.Х. Талаба-ёшлар маънавий-ахлоқий онгини шакллантиришнинг ижтимоий-фалсафий асослари: Фалс. фан. бўй. фалс. док. (PhD) ... дис. – Тошкент: Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, 2019. –Б.155; Юлдашева Ф.Х. Ўзбекистонда глобаллашув шароитида маънавий янгилашнининг ўзига хос хусусиятлари: Фалс. фан. док. (DSc) ... дис. автореф. – Тошкент: Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, 2019. –Б.60; Саидова С.А. Ўзбекистон ёшлари ижтимоий-маданий ҳаётида диний маърифатнинг аҳамияти: Фалс. фан. бўй. фалс. док. (PhD) ... дис. автореф. – Тошкент: Ўзбекистон Халқаро Ислоҳ академияси, 2020. –Б.44; Парпиев М.Т. Янгиланаётган Ўзбекистонда шахс маънавий маданиятини такомиллаштириш омиллари: Фалс. фан. бўй. фалс. док. (PhD) ... дис. – Тошкент: Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, 2020. –Б.150; Исмоилов Т.И. Ўзбекистонда уюлмаган ёшларнинг ижтимоий фаоллиги ва бандлигини таъминлашнинг институционал тизими: Фалс. фан. бўй. фалс. док. (PhD) ... дис. – Тошкент: Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, 2020. –Б.149; Обидов А.Ш. Фуқаролик жамиятини ривожланишда конфессиялараро ҳамжиҳатликнинг ўрни (ижтимоий-фалсафий таҳлил): Фалс. фан. бўй. фалс. док. (PhD) ... дис. автореф. – Тошкент: Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, 2020.

⁷ Жўраев Б.Х. Ўзбекистонда жамиятни демократиялашуви жараёнида ёшлар сиёсий фаоллиги муаммоси: Сиё. фан. ном. ... дис. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси, 2004. –Б.149; Бўронова Д.Д. Ёшларга оид давлат сиёсати динамикаси ва муаммолари (Ўзбекистон мисолида): Сиё. фан. ном. ... дис. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси, 2009. –Б.192; Насириддинова О.Т. Ҳуқуқий маданият – фуқаролик жамиятини шакллантиришда муҳим омил (ёшлар мисолида): Юрид. фан. ном. ... дис. – Тошкент: Тошкент давлат юридик институти, 2009. –Б.149; Кадиров Э.О. Ёшларнинг ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини юксалтириш масалалари (академик лицей ва касб-хунар коллежлари мисолида): Юрид. фан. бўй. фалс. док. (PhD) ... дис. – Тошкент: Тошкент давлат юридик университети, 2019. –Б.243; Холмахматов А.Ҳ. Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишнинг механизмлари ва технологиялари: Сиё. фан. бўй. фалс. док. (PhD) ... дис. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий университети, 2019. –Б.180.

⁸ Рискулова К.Д. Ёшлар соғлом турмуш маданиятини шакллантиришда нодавлат ташкилотлари ҳамкорлиги: Пед. фан. ном. ... дис. – Тошкент, 2010. –Б.147; Расулова Н.С. Ўзбекистон Республикасида сиёсий партияларнинг вужудга келиши ва ривожланиши: муаммо ва ечимлар (1991–2008 йиллар): Тар. фан. ном. ... дис. автореф. – Тошкент: Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, 2010. –Б.147; Топилдиев О.Р. Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида ёшларнинг тутган ўрни (1991-2008 йй.): Тар. фан. ном. ... дис. – Тошкент: Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, 2011. –Б.166; Маткаримова Ж.Д. Ўзбекистон ёшларида ҳуқуқни англаш жараёнларининг социологик таҳлили: Соц. фан. ном. ... дис. – Тошкент: Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, 2011. –Б.150; Тайлақова Ш.Н. Ўқувчи-ёшлар маънавиятини оммавий ахборот воситалари асосида такомиллаштириш (телекўрсатувлар, радиоэшиттиришлар ва интернет хабарлари мисолида): Пед. фан. бўй. фалс. док. (PhD) ...

Шунингдек, О.Муҳаммадиеванинг ёшлар муаммоси, уларнинг ғоявий тарбияси ва бандлигини таъминлашга бағишланган илмий ишлари сиёсий институтлар фаолияти жараёнида ёшлар маънавий салоҳияти мезонларини аниқлашга маълум даражада хизмат қилади⁹.

Мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсатининг турли қирралари, кейинги йилларда сиёсий институтлар фаолиятида ёшлар маънавияти масалалари, сиёсий институтларнинг ёшлар сиёсий фаоллиги, ҳуқуқий онги ҳамда маданиятини юксалтириш ва бунда нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ўрни масалалари И.Эргашев, М.Қуронов, И.Саифназаров, Ф.Саифназарова, С.Отамуратов, Х.Шайхова, А.Асланов, Б.Каримов, Ш.Рашидов, Р.Раҳимов, Г.Тешабоева, А.Хурсандов, Т.Алимардонов каби олимлар томонидан ижтимоий-фалсафий жиҳатдан тадқиқ этилган.

Юқоридаги тадқиқотчилар ўз илмий ишларида ёшлар маънавий салоҳиятини юксалтиришда сиёсий институтларнинг ўрнига доир муҳим фикрларни илгари сурганларига қарамасдан, уни махсус ўрганишни мақсад қилиб қўймаганлар. Муаммонинг ҳанузгача ижтимоий фалсафанинг махсус тадқиқот муаммосига айланмаганлиги, унинг бугунги кунда жамият тараққиёти учун муҳимлигидан далолат беради.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Илмий тадқиқот фаолиятини ривожлантириш ва илмий салоҳиятни оширишга йўналтирилган комплекс чора-тадбирлар» режасининг 2.5-банди доирасида бажарилган (2017-2021).

Тадқиқотнинг мақсади ёшлар маънавий салоҳиятини юксалтиришда сиёсий институтларнинг ролини очиқ беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

«маънавият», «маънавий салоҳият», «ёшлар маънавий салоҳияти», «сиёсий институт» тушунчаларининг ижтимоий-фалсафий таҳлили, мазкур тушунчаларнинг мазмун-моҳияти ҳамда ижтимоий-фалсафий асосларини аниқлаш, уларни назарий жиҳатдан бойитиш;

ёшлар маънавий салоҳиятини юксалтириш борасидаги давлат сиёсатини амалиётга тизимли татбиқ этиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

ёшлар маънавий салоҳиятини юксалтиришда иштирок этувчи сиёсий партиялар ва Ёшлар ишлари агентлиги фаолиятини фалсафий ёндашувлар асосида мувофиқлаштириш механизмларини такомиллаштириш;

ёшлар маънавий салоҳиятини юксалтиришга оид Ўзбекистон ва хорижий тажрибаларнинг ўзига хос жиҳатларини фалсафий нуқтаи назардан ўрганиш ва амалий таклифларни ишлаб чиқишдан иборат.

дис. – Тошкент: Т.Н. Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти, 2018. –Б.164.

⁹ Муҳаммадиева О. Ёшларнинг ижтимоий-маънавий қиёфасини шакллантирувчи омиллар // Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари. – Тошкент, 2008. -№4. –Б.130-137; Шахс камолотида маънавият муаммосининг долзарблиги таҳлилий шарҳ. – Тошкент: СТИБОМ, 2007. 1,5 босма табоқ.

Тадқиқотнинг объекти сифатида сиёсий институтларнинг ёшлар маънавий салоҳиятини юксалтиришдаги фаолияти олинган.

Тадқиқотнинг предмети ёшлар маънавий салоҳиятини юксалтиришда сиёсий институтлар фаолиятининг ижтимоий-фалсафий жиҳатлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда комплекс ёндашув, тизимлилик, умумлаштириш, таққослаш, анализ ва синтез, аналогия, социологик, қиёсий ва аксиоматик таҳлил каби тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

халқимизга хос бўлган жўмардлик, жиддийлик, ҳақиқий туркий ҳимматга эгалик, бир-бирининг тақдирига даҳлдорлик каби ментал хусусиятлар ва инсонпарварлик, ватанпарварлик, миллатпарварлик каби ахлоқий тамойиллар уйғунлигига эришиш ёшлар маънавий салоҳиятини юксалтиришнинг аксиологик, маданий, маънавий асослари эканлиги очиб берилган;

маънавий юксалишнинг асосий омиллари сифатида сабаб ва оқибат, моҳият ва ҳодиса, имконият ва воқелик каби фалсафий категориялар олинган ва ижтимоий ҳаётда фикрлар плурализми, замонавий ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги давлат ва жамиятнинг сиёсий, иқтисодий ва маънавий манфаатлари ўзаро алоқадорлигига эришишда ёшлар фаолиятида вориёшликка эътибор қаратилишининг ўрни асосланган;

ёшларда лидерлик қобилиятини ривожлантириш ҳамда замонавий сиёсий институтларнинг фаолиятида мутаносибликка эришиш, раҳбарлик маданияти, ижтимоий-сиёсий жараёнларни баҳолай олиш, янги фикр ва фан ютуқларини ҳисобга олган ҳолда ўзининг шахсий муносабати ва ёндашувига эга бўлиш, кенг гуманитар тайёргарликни таъминлашга оид объектив имкониятларнинг ижтимоий-фалсафий жиҳатлари очиб берилган;

ёшлар маънавий салоҳиятини юксалтиришга тизимли ёндашиш амалиётининг инновацион-виртуал хусусияти, коммуникатив – шахслараро муносабатларнинг фаол субъекти сифатида мулоқотга киришиш моҳияти эпистемологик – олинган билимларининг ишончлилики даражаси билан боғлиқ эканлиги асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

сиёсий институтларнинг ёшлар маънавий тарбиясига таъсир қилиш механизмлари, усул ва воситалари ишлаб чиқилган;

ёшлар маънавий салоҳиятини юксалтиришда сиёсий институтларнинг ўрни ва аҳамиятини оширишга оид таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференция материаллари тўпламлари, ОАК рўйхатидаги махсус журналлар ҳамда хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ёшлар маънавий салоҳиятини

юксалтиришда сиёсий институтларнинг ўрни ва мавқеини оширишга оид хулосалардан Ўзбекистонда жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий, маданий-маънавий ривожланишига доир илмий тадқиқот ишларида фойдаланиш мумкинлигида кўринади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти сиёсий институтлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, Республика «Маънавият ва маърифат» маркази ҳамда унинг бўлимлари, Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи фаолиятида, таълим тизимида, давлат ва нодавлат ташкилотлари томонидан фуқаролар билан уюштирилаётган давра суҳбатларида, шунингдек, ушбу соҳада маънавий-маърифий тадбирлар ташкил қилишда фойдаланиш мумкинлигида намоён бўлади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ёшлар маънавий салоҳиятини юксалтиришда сиёсий институтларнинг ўрни бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида:

халқимизга хос бўлган жўмардлик, жиддийлик, ҳақиқий туркий ҳимматга эгалик, бир-бирининг тақдирига дахлдорлик каби ментал хусусиятлар ва инсонпарварлик, ватанпарварлик, миллатпарварлик каби ахлоқий тамойиллар уйғунлигига эришиш ёшлар маънавий салоҳиятини юксалтиришнинг аксиологик, маданий, маънавий асослари эканлигига оид хулосалардан Республика Маънавият ва маърифат марказининг Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш юзасидан чора-тадбирлар дастури ижросида фойдаланилган (Республика Маънавият ва маърифат марказининг 2021 йил 23 апрелдаги 01/07-436-сон маълумотномаси). Натижалар, ёшларни бугунги кунда мамлакатимизда бўлаётган ижобий ўзгаришларни англаб, ижтимоий фаол бўлиш, касб-ҳунар эгаллаш сари ундашга, уларнинг маънавий-сиёсий дунёқараши юксалишига ҳамда фалсафий мушоҳадасининг кенгайишига хизмат қилган;

маънавий юксалишнинг асосий омиллари сифатида сабаб ва оқибат, моҳият ва ҳодиса, имконият ва воқелик каби фалсафий категориялар ва ижтимоий ҳаётда фикрлар плюралиزمи, замонавий ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги давлат ва жамиятнинг сиёсий, иқтисодий ва маънавий манфаатлари ўзаро алоқадорлигига эришишда ёшлар фаолиятида ворисийликка эътибор қаратилишининг ўрнига оид тавсиялардан Республика Маънавият ва маърифат маркази фаолиятида, жумладан 2021 йил 26 мартдаги ПҚ-4050-сонли Қарорнинг ижроси: «Илм-фан, санъат ва маданият, ахборот технологиялари, бадиий ижод, архитектура ва дизайн, тадбиркорлик ва ҳунармандчилик каби турли соҳаларда фаолият юритаётган, ташаббускор ва фидойи ёшлар ўртасида «Ватан тараққиётига менинг ҳиссам» лойиҳасини амалга оширишда фойдаланилган (Республика Маънавият ва маърифат марказининг 2021 йил 23 апрелдаги 01/07-436-сон маълумотномаси). Натижалар Янги Ўзбекистон ёшлари дунёқарашида янги ғоялар, кадриятлар билан миллий-сиёсий жиҳатдан ижтимоийлашув жараёнини ривожлантиришга хизмат қилган;

ёшларда лидерлик қобилиятини ривожлантириш ҳамда замонавий сиёсий институтларнинг фаолиятида мутаносибликка эришиш, раҳбарлик маданияти,

ижтимоий-сиёсий жараёнларни баҳолай олиш, янги фикр ва фан ютуқларини ҳисобга олган ҳолда ўзининг шахсий муносабати ва ёндашувига эга бўлиш, кенг гуманитар тайёргарликни таъминлашга оид объектив имкониятларнинг ижтимоий-фалсафий жиҳатлари борасидаги илмий хулосалардан Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш ва Ёшлар парламенти лойиҳаси бўйича вазифаларни бажаришда, жумладан, 30 июнь – Ёшлар куни муносабати билан «Ёшлар – келажак бунёдкорлари» акциясини ташкил этишда фойдаланилган (Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий Кенгашининг 2021 йил 21 апрелдаги 04/02-94-сон маълумотномаси). Натижалар ёшларнинг маънавий, сиёсий ҳаётида сиёсий партиялар фаолиятининг тобора юксалиб бориши, демократик ислохотларни янада изчил амалга ошириш, шунингдек, ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини янада юксалтириш ҳамда юртимизда «Янги Ўзбекистон – янгича дунёқараш»ни шакллантиришга муҳим омил бўлиб хизмат қилган;

ёшлар маънавий салоҳиятини юксалтиришга тизимли ёндашиш амалиётини инновацион-виртуал хусусияти, коммуникатив – шахслараро муносабатларнинг фаол субъекти сифатида мулоқотга киришиш моҳияти, эпистемологик – олинган билимларининг ишончлилиқ даражаси билан боғлиқ эканлигига оид хулосалардан Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлигининг Ёшлар билан ишлашнинг янгича тизимини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар дастури ижроси: ўқувчиларнинг мантиқий фикрлаш ва моҳирона мунозара олиб бориш қобилиятини ривожлантириш, фаол фуқаролик позициясини шакллантириш бўйича умумтаълим муассасаларида «Мунозара» клубларини ташкил этиш ва ўқувчи-ёшлар ўртасида туман турнирларини ташкил қилишда ҳамда умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасида диний экстремизм ва терроризм ғояларига қарши мустақкам иммунитетни шакллантиришга қаратилган «Жаҳолатга қарши маърифат» мавзусида ижодий ишлар танловларини ўтказишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлигининг 2021 йил 3 майдаги 4-13-23-1150-сон маълумотномаси). Натижалар мамлакатимиздаги сиёсий институтларнинг ёшлар маънавий салоҳиятини юксалтириш, уларда кучли фуқаролик позициясини шакллантириш, ёшлар тарбиясида миллий ва умуминсоний қадриятларнинг ўрнини юксалтириш каби вазифаларни амалга ошириш имкониятларини янада кенгайтиришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 6 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда маъруза кўринишида баён этилган ҳамда апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш, шундан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та илмий мақола (жумладан, 3 та республика ва 1 та хорижий журналда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация Кириш, учта боб, Хулоса, Фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва Иловалардан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 144 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурияти, тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги, ўрганилганлик даражаси, мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, илмий янгилиги, амалий натижалари, натижаларнинг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, нашр этилган ишларнинг сони, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертация ишининг «**Ёшлар маънавий салоҳиятини ўрганишнинг назарий-методологик асослари**» деб номланган биринчи бобида «маънавият», «маънавий салоҳият», «ёшлар маънавий салоҳияти», «сиёсий институт» каби тушунчалар, ёшлар маънавий салоҳиятини юксалтиришнинг концептуал асослари, ёшлар маънавий салоҳиятини юксалтиришга оид Ўзбекистон ва хорижий тажрибаларнинг ўзига хос жиҳатлари тадқиқ этилган.

Бугун «Янги Ўзбекистон – янгича дунёқараш»ни шакллантириш ва мустаҳкамлаш учун ҳар бир фуқародан, айниқса, ёш авлод вакилларида алоҳида юксакликка даъват этувчи маънавий салоҳият талаб этилмоқда. Демак, маънавий салоҳиятли, озод шахсни камол топтириш, фуқаролик жамияти маънавиятини янги босқичга кўтариш мамлакатимиз тараққиётининг асосини ташкил этади.

Аввало, қайд этиб ўтиш жоизки, маънавият, ёшлар маънавий салоҳиятининг муҳим назарий ва амалий жиҳатларини тадқиқ этиш масаласи бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан биридир. Шулардан келиб чиққан ҳолда, диссертация ишида, энг аввало, «маънавият» атамасининг мазмун-моҳияти хусусида тўхталиб ўтилган.

Диссертацияда қайд этилганидек, маънавиятнинг жамият ва инсон ҳаётидаги ролини аниқлаштиришда унга берилган таърифларнинг мазмун ва моҳиятини англаб етиш муҳим ўрин тутди. «Маънавият» атамаси арабча «маъни» ёки «маъно» сўзлари мазмунидан келиб чиққан бўлиб, унинг мазмунини таърифлаш борасида кўплаб файласуфларнинг талқинларини учратиш мумкин. Жумладан, ғазал мулкининг султони Алишер Навоий ўз асарларида одамларни иккига, яъни – суврат аҳли ва маъни аҳлига бўлади. Ёки Мавлоно Жалолиддин Румийнинг олти китобдан иборат дунёга машхур асари айнан «Маснавийи маънавий», яъни «Маънавият достони» деб номланади¹⁰.

Биринчи Президентимиз Ислом Каримов «Маънавият – инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон-эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган беқиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир»¹¹, - деб таърифлайди. Буюк

¹⁰ Қуроноф М. Бетакроримсан, яғонасан, она ватаним, Ўзбекистоним. – Тошкент: Маънавият, 2015. –Б.80.

¹¹ Каримов И. Юксак маънавият – энгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2013. –Б.19.

давлат арбоби, ўзбек халқи учун битмас-туганмас хизматлари билан тарих зарварақларида ўчмас из қолдирган сиёсий раҳнамо Ислон Каримов йиллар давомидаги назарий ва амалий хулосаларига таянган ҳолда маънавият тушунчасига мазкур идеал таърифни келтиради. Унинг нуқтаи назарича, халқ, миллат ўз миллий маънавиятини йиллар, асрлар давомида юксалтириб, бойитиб боради. Шунингдек, «Ўзбекистон миллий энциклопедияси»да маънавиятга шундай таъриф берилган: «Маънавият – инсон руҳий ва ақлий оламини ифодаловчи тушунча. У кишиларнинг фалсафий, ҳуқуқий, илмий, бадиий, ахлоқий, диний тасаввурларини ўз ичига олади»¹². Ушбу таърифда маънавият тушунчасини кўпроқ инсоннинг руҳий ва ақлий оламига боғлаб қўйиш устунлик қилади.

Фалсафа қомусий луғатида: «Маънавият – инсонларнинг ўзаро муносабатлари, уларнинг ҳаётий тажрибалари давомида шаклланган ва ривожланган қадриятлар тизими»¹³,– деб, Маънавият: асосий тушунчалар изоҳли луғатида: «Маънавият – моддий ҳаёт билан доимо ёнма-ён юрадиган, инсон, халқ ва жамият ҳаётининг ажралмас қисми бўлган ижтимоий ҳодиса»¹⁴», - деб таъкидланган. Мазкур икки таърифда ҳам маънавият фалсафий категориясининг кўпроқ амалий жиҳатларига эътибор қаратилган.

Маънавиятнинг бекиёс қудратини назарда тутар экан, Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёев «агар жамият ҳаётининг танаси иқтисодиёт бўлса, унинг жони ва руҳи маънавиятдир» дея алоҳида таъкидлайди. Мамлакатимиз раҳбари Янги Ўзбекистон тараққиётини барпо этишда кучли иқтисодиёт билан бир қаторда кучли маънавиятга таяниш заруриятини илгари сураётган экан, стратегик нуқтаи назардан маънавият категориясига шундай таъриф беради: «Биз учун маънавият – инсонлар ўртасидаги ўзаро ишонч, ҳурмат ва эътибор, халқ ва давлат келажагини биргаликда қуриш йўлидаги эзгу интилишлар, ибратли фазилатлар мажмуасидир».

Бошқача айтганда, «маънавият – жамиятдаги барча сиёсий-ижтимоий муносабатларнинг мазмуни ва сифатини белгилайдиган пойдевордир»¹⁵. Ушбу таърифда маънавиятнинг бекиёс даражадаги ҳам ботиний, ҳам зоҳирий қудрат эканлигини кўриш мумкин. Шу боисдан ҳам кейинги йилларда жаҳон миқёсида маънавият масаласига алоҳида эътибор қаратила бошланди.

Шунингдек, XXI асрнинг иккинчи ўн йиллиги бўсағасидан бошлаб, дунё олимларининг ҳам тадқиқот объекти сифатида маънавият масаласига алоҳида эътибор қаратаётганлиги кузатилмоқда. Жумладан, австриялик файласуф Франкл Виктор маънавиятни инсонни ажратиётган турадиган, фақатгина унинг ўзига хос жиҳат, деб таърифлайди¹⁶.

Юқоридаги таърифларни инкор этмаган ҳолда биз маънавият категориясига қуйидагича таъриф бердик: маънавият – борлик, табиат, жамият

¹² Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Тошкент: Давлат илмий нашриёти, 2003. -№5. –Б.540.

¹³ Фалсафа: Қомусий луғат. – Тошкент: Шарқ, 2004. –Б.225.

¹⁴ Маънавият асосий тушунчалар изоҳли луғати. – Тошкент: Фафур Фулом номидаги НМИУ, 2009. –Б.33.

¹⁵ Мирзиёев Ш. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2021. –Б.267.

¹⁶ Франкл В. Человек в поисках смысла (Перевод Д. Леонтьева). – Пермь: Биг-Пресс, 2012. –С.35.

каби узлуксиз ҳаракатдаги жараён, у инсон фикри, тафаккури, ҳис-туйғулари, миллий ва умуминсоний қадриятлар, тарихий ва маданий меросимизни мужассам этган юксак инсоний салоҳиятдир.

Шунингдек, маънавий салоҳият тушунчасига ҳам алоҳида эътибор қаратиб, шундай таъриф бердик: «маънавий салоҳият – шахснинг маънавий-маърифий ва ахлоқий параметрларига ижобий таъсир кўрсатувчи, уни ижодкорлик, изланиш ва эзгу мақсадлар сари етакловчи, жамият ҳаётининг моддий ва маънавий соҳаларини ривожлантиришга илҳомлантирувчи салоҳиятидир».

«Маънавият» ва «маънавий салоҳият» тушунчаларига таъриф бериш баробарида улар ўртасидаги уйғунлик ва фарқни очиқ беришга ҳаракат қилдик. Маънавий салоҳият тушунчаси маънавий юксалиш, маънавий таъсир, маънавий идеал, маънавий янгилашни фалсафий категориялари билан объектив ва субъектив омиллар таъсирида жамият ҳаётида диалектик алоқада бўлади.

Маънавий юксалиш – маънавият жамиятнинг юксалиши ёки инқирозга юз тутишига кучли таъсир кўрсатади. Маънавият бойиб борса, жамият раванк топади ва аксинча, маънавият қашшоқлашса, жамият бора-бора таназзулга юз тутади¹⁷.

Тадқиқотнинг ушбу қисмида «сиёсий институтлар» атамасига ҳам алоҳида эътибор қаратиб, сиёсий институтларни «ёшларнинг маънавий даражасини юксалтиришга диалектик алоқадор бўлган ўзига хос тизим», деб атадик. Кўпгина хорижий луғатларда «сиёсий институт» тушунчасига умумий тарзда «сиёсат барқарорлигини таъминловчи ижтимоий институт»¹⁸, - деб таъриф берилган. Россиялик тарихчи олим С.В. Патрушев сиёсий институт тушунчасини уч аспектда талқин этади. Жумладан:

- сиёсий институт – инсоннинг сиёсий соҳадаги фаолиятини белгиловчи ва тартибга солувчи расмий ва норасмий тамойиллар, нормалар, қоидалар мажмуи;

- сиёсий таълим ёки муассаса, ташкилот – маълум бир тарзда ташкил этилган одамлар бирлашмаси, у ёки бу сиёсий тузилма;

- жамоавий ҳаракат, тартиб, механизмнинг муайян тизимида ифодаланган сиёсий хатти-ҳаракатларнинг барқарор тури¹⁹.

Бундан ташқари, социологлар П.Бергер, Т.Лукманн эса сиёсий институтларни «шахс ташқи мажбурий акт сифатида дуч келадиган ўз воқелигига эга тузилма»²⁰, - деб баҳолаганликларини кўриш мумкин.

Шулардан келиб чиққан ҳолда, сиёсий институт тушунчасини шундай талқин этиш мумкин: сиёсий институт – бу жамиятнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим ўрин тутувчи, қатъий ва ҳужжатлаштирилган меъёрлар,

¹⁷ Маънавият асосий тушунчалар изоҳли луғати. – Тошкент: Фафур Фулом номидаги НМИУ, 2010. –Б.326.

¹⁸ Институт политический. – М.: Большая российская энциклопедия, 2008. –С.410 (Большая российская энциклопедия [в 35 т.] гл. ред. Ю.С.Осипов; 2004-2017, т.11).

¹⁹ Институциональная политология: Современный институционализм и проблемы политической трансформации России. Ред. С.В.Патрушев. – М.: ИСПИ РАН, 2006. –С.10 (590).

²⁰ Бергер П., Лукман Т. Социальное конструирование реальности. Трактат по социологии знания. – М.: Медиум, 1995. –С.303.

анъаналар, тамойиллар ва қоидалар асосида жамият сиёсий тизимининг сифатини тавсифловчи, жамиятнинг барқарор ривожига таъсир этувчи сиёсий тузилма.

Диссертациянинг «**Сиёсий институтлар – ёшлар маънавий салоҳиятини юксалтириш субъекти**» деб номланган иккинчи бобида ёшлар маънавий салоҳиятини юксалтириш борасидаги Давлат сиёсатининг назарий-ҳуқуқий ва амалий асослари, Ўзбекистон Республикаси ёшларга оид давлат сиёсатининг устувор йўналишлари, Ўзбекистонда ёшлар маънавий салоҳиятини юксалтиришда сиёсий институтларнинг ўзига хос тузилмалари каби масалалар илмий-фалсафий нуқтаи назардан таҳлил ва тадқиқ этилган.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, «Глобал инқироз шароитида иқтисодий ва сиёсий барқарорликни таъминлаш, жойлардаги мавжуд муаммоларни манзилли ҳал этиш, кўмакка муҳтож юртдошларимизни қўллаб-қувватлаш, ёшларимизнинг орзу-умидларини рўёбга чиқариш – Президентдан бошлаб, барча даражадаги раҳбарларнинг бош вазифаси бўлмоғи даркор. Ана шу ўта муҳим вазифаларни амалга оширишда асосий талаб – давлат ва жамият институтлари ўртасида самарали ҳамкорликни таъминлаш, бу жараёнда натижадорлик ва сифатни оширишдан иборат»²¹. Шу маънода, мамлакатимиздаги ёшлар маънавий салоҳиятини юксалтириш борасидаги сиёсатни ўрганиш ва уни назарий жиҳатдан тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этиб, бу қуйидагиларда намоён бўлмоқда:

биринчидан, ижтимоий ҳаётда фикрлар плюралиزمни нуқтаи назаридан миллий юксалишимиз жараёнида ёшлар маънавий салоҳияти мавжуд давлат дастурлари орқали режалаштирилади ва ҳозирги замон талабларига мос ҳолда янгича дунёқараш тарзини ифодалайди;

иккинчидан, ёшлар маънавий салоҳиятининг жамият ривожигаги ўрни, аҳамияти ва замонавий ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги давлат ва жамиятнинг сиёсий, иқтисодий ва маънавий манфаатлари ўзаро диалектик боғлиқликда ўрганилади;

учинчидан, жамиятда «Янги Ўзбекистон – янгича дунёқараш» ғояси асосида юртимиздаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-маънавий соҳадаги ислохотлар ёшлар маънавий салоҳиятининг юксалишига олиб келади;

тўртинчидан, ёшларга оид давлат сиёсатини таҳлил этиш ёшларнинг мамлакатимиздаги миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик муносабатларига таъсирини ҳамда миллий сиёсатимиздаги ролини кўрсатади;

бешинчидан, ёшлар маънавий салоҳиятининг мамлакат ижтимоий тараққиёт ва жамият юксалишидаги воқеа-ҳодисаларга ўзаро алоқадорлик диалектикасини ўрганиш бу жараённинг жамият тараққиёти билан боғлиқ хусусиятларни таҳлил этиш имконини яратади.

Бугунги интеграциялашув жараёнида ҳозирги давр талаб ва эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда, қонунчилик базасини янгилаш ва такомиллаштириш, мавжуд норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ёшларга оид давлат сиёсатини янги босқичга кўтариш ва унга мувофиқлаштириш, янги

²¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // <https://adolat.uz/uzbekiston/murozhaatnoma-2020>

конун, давлат дастурларини ишлаб чиқиш, айниқса, бундай масалага жамоатчилик назоратини янада кучайтириш давлат ва жамият ҳаётидаги муҳим аҳамият касб этувчи йўналишлардан ҳисобланади.

Бунинг юртимиз учун ўзига хос хусусий жиҳатларини қуйидагиларда кўришимиз мумкин:

биринчидан, Ўзбекистоннинг янги тараққиёти босқичида ёшларнинг роли ва салмоғи юқори ҳисобланади;

иккинчидан, фуқаролик жамиятини ривожлантириш билан боғлиқ ҳар бир жараён узвийлиги ва ворисийлиги билан тўлиб, бойиб боради;

учинчидан, ёшлар маънавий салоҳияти мамлакатимиз илм-фан ютуқлари билан боғлиқ бўлиб, илм-маърифатни эгаллаш умуммаданий, маърифий даражаси орқали халқлар турмуш тарзида ўз аксини топади;

